

Ўлим ўзидан олдинги нарсадан энгилроқ



11:00 / 16.06.2019 2328

Суфён ибн Уяйна ҳазрати Абу Бакр розияллоху анху ҳақида шундай дейди: «Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху бирортасига таъзия билдирса, шундай дер эди: «Сабр-қаноат билан мусибат бўлмайди (яъни, ҳар қандай мусибат, синовлар ҳам сабр-қанот ва овуниш билан энгилади), ожизлик билан ҳеч бир фойда ҳосил бўлмайди. Мўмин банда учун ҳаёт ташвишларидан кўра ўлим энгилроқ, ўлимдан кейинги ҳаёт эса бундан ҳам энгилроқдир. (Бирор мусибат етганда) Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан айрилганимизни эсланг, шунда мусибатингиз кичраяди. Аллоҳ таоло ажрингизни кўпайтириб берсин».

«Солиҳлар гулшани» китобидан